

IX. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК


2021 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) нинг сони 35 795 тани ташкил қилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,9 % га ўсган.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 7 684 та кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,8 % га кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдода (35,4 %), саноатда (31,7 %), қишлоқ ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (12,7 %), қурилишда (5,7 %), яшаш ва овқатланиш хизматларида (3,6 %), ташиш ва сақлаш хизматларида (2,9 %) ташкил этди.



**Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши
(2020 йил январь-декабрь ойларида, % да)**






Худудлар бўйича янги ташкил этилган
кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда

	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	(+;-)
Вилоят бўйича:	6 632	7 684	1 052
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон ш.	1 895	1 925	30
Хонобод ш.	186	125	-61
<i>туманлар:</i>			
Олтинкўл	359	400	41
Андижон	475	489	14
Балиқчи	285	446	161
Бўстон	206	291	85
Булоқбоши	209	336	127
Жалақудук	259	408	149
Избоскан	365	384	19
Улуғнор	107	174	67
Қўрғонтепа	318	399	81
Асака	614	681	67
Марҳамат	306	351	45
Шаҳрихон	510	556	46
Пахтаобод	292	358	66
Хўжаобод	246	361	115

2020 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Андижон шаҳри (1 925 та), Асака (681 та), Шаҳрихон (556 та), Андижон (489 та), Балиқчи (446 та), Жалақудук (408 та) ва Олтинкўл (400 та) туманларида кузатилди. Энг паст кўсаткичлар Улуғнор тумани (174 та) ва Хонобод (125 та) шаҳрида қайд этилди.




**Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
худудлар бўйича улуши,
(2020 йил январь-декабрь ҳолатига, фоиз ҳисобида)**



2020 йил январь-декабрь ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Андижон шаҳрида (25,0 %), Асака (8,9 %), Шахрихон (7,2 %), Андижон (6,4), Балиқчи (5,8 %), Жалақудук (5,3 %), Олтинкўл (5,2 %) туманларида, энг паст кўрсаткичлар эса Улуғнор тумани (2,3 %) ва Хонобод шаҳрида (1,6 % ни) ташкил этди.




**Андижон вилоятида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик
(бизнес) субъектларининг сони
(ҳар 1000 аҳолига, бирликда) январь-декабрь ҳолатига**





**Худудлар бўйича 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик
корхона ва микрофирмалар сони**
(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида, бирликда)



2020 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Андижон шаҳри (24,5 бирлик), Улуғнор тумани (22,7 бирлик), Хўжаобод тумани (16,7 бирлик), Бўстон тумани (15,7 бирлик), Хонобод шаҳри (14,2 бирлик), Асака тумани (13,1 бирлик), Балиқчи тумани (12,7 бирлик) ва Марҳамат тумани (12,3 бирлик)га тўғри келади.

Ўртача кўрсаткич оралиғида (11,3-9,3 бирлик) Қўрғонтепа, Олтинкўл, Жалақудуқ, Пахтаобод ва Булоқбоши туманларига тўғри келади.

Андижон (9,0 бирликда), Шаҳрихон (8,8 бирликда) ва Избоскан (8,2 бирликда) туманларида ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) 11,9 бирликда бўлиб, 2019 йилнинг шу даврида 11,4 бирликни ташкил этган. 2020 йилда бу кўрсаткич 13,2 бирликни ташкил етди. Бу эса, 2018 йил кўрсаткичидан 1,3 бирликга қўп демакдир.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган
кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда**

	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	(+;-)
Жами	6 632	7 684	1 052
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	273	901	628
Саноат	1 829	2 438	609
Қурилиш	589	440	-149
Савдо	2 615	2 718	103
Ташиш ва сақлаш	214	219	5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	492	280	-212
Ахборот ва алоқа	106	129	23
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	137	150	13
Бошқа фаолият турлари	377	409	32

Маълумот учун: 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг кўп салмоғи, бирликда:





Худудларнинг жами маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий
ҳажмидаги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг
улуши
(2020 йил январь-декабрь ҳолатига, % да)

	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Чакана савдо	Инвестиция
Вилоят бўйича:	20,0	93,4	67,0	88,4	63,5
<i>шаҳарлар:</i>					
Андижон ш.	23,4	94,2	48,8	71,6	49,4
Хонобод ш.	14,6	99,9	72,8	86,7	79,6
<i>туманлар:</i>					
Олтинқўл	61,2	98,9	84,2	95,0	57,5
Андижон	73,7	84,0	82,7	88,4	78,0
Балиқчи	39,0	93,1	76,6	94,8	46,5
Бўстон	56,8	97,5	80,9	93,5	44,4
Булоқбоши	100,0	100,0	85,0	96,7	83,2
Жалақудук	78,9	84,7	85,8	97,2	81,4
Избоскан	72,9	100,0	86,4	97,0	63,1
Улуғнор	57,4	56,9	88,6	98,2	88,2
Қўргонтепа	38,5	79,9	75,3	98,0	79,2
Асака	2,4	100,0	67,1	95,9	34,9
Марҳамат	67,8	100,0	84,7	97,4	76,0
Шаҳрихон	80,5	100,0	78,9	98,5	75,5
Пахтаобод	62,7	100,0	85,4	96,6	88,2
Хўжаобод	64,3	100,0	68,1	98,5	80,4

Худудлар бўйича кичик бизнеснинг юқори улуши саноат соҳасида Булоқбоши (100,0 %), Шаҳрихон (80,5 %), Жалақудук (78,9 %) ва Андижон (73,7 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

Қурилиш соҳасида Булоқбоши, Избоскан, Асака, Марҳамат, Шаҳрихон, Пахтаобод ва Хўжаобод туманлари (100,0 %) ҳиссасига тўғри келди.


Хизматлар соҳасида Улуғнор (88,6 %), Избоскан (86,4 %), Жалақудук (85,8 %), Пахтаобод (85,4 %), Булоқбоши (85,0 %) ва Марҳамат (84,7 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 134,0 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 20,0 фоизи) ташкил қилди;
- 5 560,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 63,5 фоизи) ўзлаштирилди ва ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 103,1 % ни ташкил қилди;
- 4 176,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 93,4 фоизи) бажарилди ва ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 103,2 % га тенг бўлди;
- Чакана товар айланмаси ҳажми 12 884,6 млрд. сўмни (жами чакана товар айланмаси ҳажмининг 88,4 фоизи) ёки 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 97,9 % ни ташкил қилди;
- 261,0 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 44,6 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 285,8 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 12,9 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.




**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари
маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик
тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)





Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да
саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми
(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида)




Худудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Андижон шаҳар (1 340,5 млрд. сўм), Андижон (689,2 млрд. сўм), Шахрихон (609,2 млрд. сўм), Жалақудуқ (539,6 млрд. сўм) ва Избоскан (538,1 млрд. сўм), туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Бўстон (175,4 млрд. сўм) ва Улуғнор (138,0 млрд. сўм) туманларида ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.





**Худудлар бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда
кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг улуши, % да
(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида)**




Худудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг (бизнес) жами саноат маҳсулотларидаги энг юқори улушини Булоқбоши тумани (100,0 %), Шаҳрихон тумани (80,5 %), Жалақудук тумани (78,9 %), Андижон тумани (73,7 %), Избоскан тумани (72,9 %), Марҳамат тумани (67,8 %) ва Хўжабод (64,3 %) туманларида ташкил этди.

Асака туманида (2,4 %) кичик тадбиркорликнинг улуши энг паст бўлиб қолмоқда.




Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик(бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати, % да (2020 йилнинг январь-декабрь ойларида)



Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Андижон шаҳар (3 282,5 млрд. сўм), Шаҳрихон (1 798,8 млрд. сўм), Асака (1 344,8 млрд. сўм), Қўрғонтепа (959,1 млрд. сўм) ва Хўжабод (823,8 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келди.



**Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да
бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида)**




Худудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Андижон шаҳрида 1 386,1 млрд. сўм (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 105,7 %), Андижон тумани 499,7 млрд. сўм (96,8 %), Шаҳрихон тумани 318,9 млрд. сўм (105,1 %), Олтинқўл тумани 292,3 млрд. сўм (99,1 %) ҳамда Марҳамат тумани 210,6 млрд. сўм (109,0 %) қайд этилди.






Худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати (2020 йилнинг январь-декабрь ойларида)




Худудлар бўйича энг кўп хизматлар ҳажми Андижон шаҳри – 2 167,8 млрд. сўм (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 97,5 %), Шахрихон тумани 669,7 млрд. сўм (105,9 %), Асака тумани 628,9 млрд. сўм (105,0 %), Андижон 525,8 млрд. сўм (105,2 %) ва Қўрғонтепа 464,6 млрд. сўм (102,6 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.



2020 йилнинг IV чорак якунларига кўра янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти кузатилди, унда иқтисодий фаолият турлари бўйича 145 та респондентлар қатнашди. Шундан саноат корхоналари - 46 та (иштирок этган респондентларнинг умумий сонининг 31,7 фоизи), қурилиш – 8 та (5,5 фоизи), савдо – 53 та (36,6 фоизи), хизматлар – 23 та (15,9 фоизи) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 15 та (10,3 %) ни ташкил этди.




Кузатувда иштирок этган янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, % да




Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар кузатуви маълумотларига кўра, 2020 йилнинг III чорагида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда иқтисодий вазиятни қулай деб баҳолаган корхоналар улуши савдо соҳасида 2,3 пунктга пасайган, қолган барча фаолият турлари бўйича кўпайиши кузатилди.

Шу билан бирга, 2020 йилнинг IV чорагида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда иқтисодий вазиятни қониқарли деб баҳолаган корхоналар улуши барча иқтисодий фаолият турлари бўйича пасайиши кузатилди.

2020 йилнинг IV чорагида, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда иқтисодий вазиятни қониқарсиз деб баҳолайдиган корхоналар улуши Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 6,7 пунктга, саноат корхоналарида 0,6 пунктга, қурилишда 12,5 пунктга, савдо соҳасида 13,7 пунктга, хизматлар соҳасида 3,7 пунктга кўпайиши кузатилди.



2019-2020 йиллар IV чорагидаги янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий вазиятини баҳолаш, % да



Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар кузатуви натижаларига кўра, 2020 йилнинг IV чорагида, ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда, яқин уч ой ичида иқтисодий вазиятни яхшилашга ишонган корхоналар улуши савдо соҳасида 4,1 пунктга ошган, қолган барча иқтисодий фаолият турлари бўйича камайиши кузатилди.

Шунингдек, ўтган йил билан таққослаганда, яқин уч ойдаги иқтисодий вазият ўтган йилга нисбатан ўзгармайди деб ҳисоблаган корхоналар улуши саноат корхоналарида 14,7 пунктга, қурилишда 38,9 пунктга ошди, аксинча савдо соҳасида 12,2 пунктга, хизматлар соҳасида 18,3 пунктга камайиши кузатилди.

Яқин келажакда иқтисодий вазиятни ёмонлашишини баҳолаган корхоналар улуши барча иқтисодий фаолият турлари бўйича ошиши кузатилди.

